

ТАЛАБА-ЁШЛАР ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ – ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Нурматов Жасур Жахонгир ўғли¹

¹ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратураси тингловчиси
e-mail: jnurmatorov738@gmail.com

МАҚОЛА МАЪЛУМОТИ:

АННОТАЦИЯ:

МАҚОЛА ТАРИХИ:

Received: 24.12.2024

Revised: 25.12.2024

Accepted: 26.12.2024

КАЛИТ СЎЗЛАР:

ҳуқуқбузарликлар,
олдини олиш, талаба-
ёшлар, жиноятчилик,
ҳуқуқий маданият,
ҳуқуқий саводхонлик,
профессор-ўқитувчилар,
шахсий жавобгарлик,
таълим ислохотлари,
репрессив чора-
тадбирлар,
кибержиноятчилик
тенденциялари.

Мақолада ёшлар ўртасида, айниқса олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш йўналишлари, жумладан, олий таълим муассасалари раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ва талабаларида ҳуқуқий маданиятни ошириш олий таълим муассасаларидаги ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини таъкил этишнинг бирламчи омили эканлиги статистик маълумотлар асосида илмий жиҳатдан асослаб берилди. Шунингдек, мақолада талаба-ёшлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш, ёшларда ватанпарварлик руҳини тарбиялаш юзасидан бир қанча таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

КИРИШ. Дунёда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида репрессив чораларни кучайтириш орқали эмас, балки ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактикаси (олдини олиш) йўли билан, ҳуқуқий тарбияни такомиллаштириш, унинг таъсирчан ва манзилли амалга оширилишини таъминлаш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ҳуқуқий тарғиботнинг янги шакл ва механизмларини қўллаш орқали ҳуқуқбузарликка қарши кураш самарадорлигини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятига замонавий ахборот-

коммуникация технологияларини жорий қилиш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бундан беш йил аввал, 2020 йилнинг 24 январида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида таъкидлаганларидек: “Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради” [1]. Давлатимиз раҳбари юқоридаги мурожаатномасида ўқиш, ўрганиш, замонавий билимларни эгаллаш, шунингдек, жипслашиш масаласига алоҳида урғу берганлиги бежиз эмас, албатта. Чунки, ўқимасдан, саводхонликни оширмасдан, хусусан, ҳуқуқий саводхонликни оширмасдан туриб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Шу боис ҳам 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимизнинг бой тарихи, илмий-маданий мероси, миллий-диний қадриятларни ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш кўзда тутилган [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги [3] Фармони ҳам ёшлар салоҳиятини юксалтириш, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини ўтовчи ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, юртимизда ҳар бир йилга алоҳида ном бериш ва ундан келиб чиқиб, давлат дастурига оид ҳужжатларни қабул қилиш анъанаси мавжуд. Инсон қадрини улуғлаш, аҳоли манфаатларини таъминлаш, кучли иқтисодиётни барпо этиш мақсадида мамлакатимизда 2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили, деб эълон қилинди.

Кейинги йилларда ёшларга бўлган эътибор, уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, яратилаётган шароит ва имкониятларни ҳар бир ёш ўз ҳаёт тарзида, фаолиятида ҳис қилиб турибди. Янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатлари алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди.

Жумладан, янги таҳрирдаги Конституцияда Оила, болалар ва ёшлар учун алоҳида боб ажратилди. Асосий қонунимизнинг 79-моддасида давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини

таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириши, давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши белгилаб қўйилди.

Баркамол авлодни вояга етказиш, униб-ўсиб келаётган ёшларга доимий ғамхўрлик қилиш мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган сиёсатнинг энг муҳим ва устувор йўналишларидан биридир.

Қувонарлиси шуки, бугун Ўзбекистонда дунёни янгича идрок этадиган, ўз тақдирини халқи, Ватани тақдири билан бир деб биладиган янги авлод шаклланмоқда. Улар аждодлар маънавий меросини ҳам, умумбашарий қадриятлар, ақлий кашфиётларни ҳам тенг ўзлаштирмоқдалар. Бинобарин, юрагида миллий ифтихор туйғуси, Ватан муҳаббати жўш урган билимдон, доно, тадбиркор ёшлар ҳар қандай мамлакатнинг салоҳияти, келажагини белгилайдиган асосий кучдир.

Ёшлар турли таълим муассасаларида билим олиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, ватанимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоиздан кўпроғини ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, бу кўрсаткичнинг ўзи ҳам Ўзбекистон келажаги ёшлар қўлида эканлигини билдиради. Айниқса, кўплаб давлатларда қарияларга нисбатан ёшлар сони бир неча марта камайиб бораётган бир даврда дунё давлатлари мамлакатимиз ёшларига ҳавас билан қарамоқда.

Шу боис давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири айнан ёшларга қаратилгани бежиз эмас. Негаки, навқирон авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор қанча кучайтирилса, унинг самараси ҳам шунча юқори бўлади. Шу нуқтаи назардан, бугун юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позицияга эга ёшлар юртимиз равнақида тобора ҳал қилувчи кучга эга бўлиб бормоқда.

2024 йилнинг 12 январь куни ўтказилган Хавфсизлик Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Давлат раҳбари ёшлар масалалари бўйича алоҳида тўхталиб, Республикадаги 4 млн нафар ёшлар 6 та ҳуқуқ-тартибот ва назорат органларига

секторлар кесимида бириктириб, улар билан манзилли ишлаш тўғрисида топшириқлар берилган эди [4].

Ушбу топшириқлар ижросини таъминлашда ИИБ Академияси жамоаси ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Жумладан, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олишда маҳаллаларда манзилли ишлаш тизимини яратиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳамда ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида 47 938 та тадбирлар, 54 394 та учрашувлар ҳамда оммавий ахборот воситаларида 16 809 та чиқишлар ташкил этилди.

Худудларда 4 млн 249 минг 419 нафар ёшларни қамраб олган ҳолда уларни “Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш”га қаратилган 132 162 та маънавий-маърифий, спорт, маданий ва бошқа йўналишдаги тадбирлар ташкил этилди.

Талабалар билан индивидуал ишлаш мақсадида 112 та давлат олий таълим муассасасида 155 нафар профилактика инспектори, 3 020 нафар тьюторлар фаолияти йўлга қўйилди.

2024 йилда барча Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирликларининг қўшма қарорига асосан талабаларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жамоат тартибини сақлашга қўмаклашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, олий таълим муассасаларида ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришга қўмаклашиш мақсадида ҳар бир олий таълим муассасасида “Қалқон” жамоатчилик гуруҳлари ташкил этилди [5].

Олий таълим муассасаларида 3 700 тадан ортиқ тўғарак ва клублар ташкил этилиб, уларга 385 минг нафар талабалар жалб этилди.

Талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида 47 та йирик лойиҳалар асосида кўрик-танлов ва фестиваллар ташкил этилиб, уларга 1 млн дан ортиқ талаба жалб этилди.

Бироқ, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, амалга оширилаётган ижобий ишларга қарамасдан, айнан ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар салмоғи сезиларли даражада юқориликка қолмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йилнинг 27 июль куни жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига

бағишланган видеоселектор йиғилиши таъкидлаганидек, “битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак [6].

Шунга қарамасдан, 2024 йил 9 ой якунлари бўйича жами ёшлар томонидан 14 096 та жиноят содир этилиб, уларда 13 543 нафар ёшлар иштирок этган бўлиб, ушбу кўрсаткич салмоғи бўйича умумий жиноятнинг 27 фоизини ташкил этмоқда.

Талабалар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги таҳлилларга кўра, республикада ж.й. 9 ой якуни бўйича жами жиноят содир этган 13 543 нафар ёшларнинг 4 фоизи, ёки 516 нафари олий ўқув юрт талабаларни ташкил этиб, улар томонидан 592 та жиноятлар содир этилган.

Республикада олий ўқув юрт талабалари томонидан 7 та қотиллик, 52 та тан жароҳати, 10 та босқинчилик, 4 та талончилик, 79 та ўғрилиқ, 43 та безорилик, 41 та фирибгарлик, 69 та гиёҳвандлик билан боғлиқ, 119 та йўл транспорт ходисалари билан боғлиқ ва 93 та бошқа турдаги жиноятлар қайд этилган.

Олий ўқув юрт талабалари томонидан Республикада содир этилган жиноятларнинг асосий салмоғи – 23 фоизи (134 та) Тошкент шаҳар, 10 фоиздан Тошкент вилояти, Самарқанд ва Андижон вилоятлари хиссасига тўғри келмоқда.

Тошкент шаҳрида таълим олаётган олий ўқув юрти талабалари томонидан 5 та қотиллик, 18 та тан жароҳати, 8 та босқинчилик, 3 та талончилик, 43 та ўғрилиқ, 16 та безорилик, 12 та фирибгарлик, 29 та гиёҳвандлик билан боғлиқ, 41 та йўл транспорт ходисалари билан боғлиқ ва 27 та бошқа турдаги жиноятлар содир этилган.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабалари томонидан 28 та, Тошкент давлат транспорт университети талабалари 16 та, Ўзбекистон миллий университети талабалари 14 та, Тошкент кимё-технология институти талабалари 12 та, Тошкент давлат техника университети талабалари 10 та, Тошкент давлат юридик университети 10 та, Тошкент ахборот технологиялар университети 8 та, Алфраганус университети 8 та, Тошкент халқаро молиявий бошқарув ва технологиялар университетларида 7 та жиноятлар содир этилган [7].

Шу боис, ОТМ раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ва масъуллар ички ишлар органлари билан ҳамкорликда талабалар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига алоҳида эътибор қаратиши долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда, талабаларда ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий маданият ҳамда ҳуқуқий онгининг етарли даражада ривожланмаганлиги натижасида улар ўртасида енгил наркотик сифатида оммалашган, нархи нисбатан арзон, таркибида гиёҳвандлик

моддаси бўлган, психотроп ва кучли таъсир қилувчи дори воситалари (*лирика, трамадол*) ҳамда синтетик гиёҳвандлик (*стимулятор ва галлюциноген*) воситаларининг ноқонуний муомаласи криминоген вазиятига жиддий таъсирини кўрсатмоқда.

Хукук-тартибот органлари томонидан аҳоли, айниқса талаба-ёшлар орасида бундай турдаги дори-дармонлар ва гиёҳвандлик воситалари тарқалишининг олдини олиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Жумладан, гиёҳванд воситаларнинг ноқонуний муомаласи (*ЖК 273 ва 276 моддалари*) билан қўзғатилган жиноят ишлари сони 2024 йил 9 ойда 6 554 тани ташкил қилиб, уларнинг 45 фоизида ёшлар иштироки қайд этилган.

Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимизда кибержиноятчиликни ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Хусусан, сўнгги 3 йил давомида кибержиноят сифатида эътироф этилаётган ҳолатлар сони 8,4 бараварга, яъни 601 тадан 5 037 тага ортиб, умумий жиноятчиликнинг 4,5 фоизини ташкил этмоқда.

Сўнгги пайтларда онлайн қимор ўйинлари айрим тоифадаги ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Бундай ўйинлар натижасида нафақат молиявий таъсирга, балки қарамликни келтириб чиқарувчи ҳиссий таъсирга ҳам тушиб қолиш ҳолатлари кўп учрамоқда.

Миллий урф-одатларимиз ва менталитетимизга, шунингдек, диний қарашларимизга ёт бўлган қимор ўйинларини ноқонуний равишда ташкил этиш ҳолатлари, айниқса, онлайн тарзда оммалашиб, ўсмир ва ёшларни ўз домига тортаётгани ачинарли ҳолатлардан бирidir.

Ҳаттоки, бундай ўйинларда кўп миқдоридаги пулини ютқазиб қўйиб, охир-оқибат ўз жонига қасд қилиш ёки ютқазиб қўйган пулини тўлаш учун жиноят содир қилиш ҳолатлари ҳам юз бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда республикада тотализатор ва букмекерлик фаолиятини амалга ошириш ва албатта, бундай хизматларни реклама қилиш ноқонуний ҳисобланади.

Мамлакатимизда қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни қонунга ҳилоф равишда ташкил этиш ҳамда ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278-моддасида жиноят сифатида белгилаб қўйилган.

Қолаверса, бундай ўйинларда қонунга ҳилоф равишда иштирок этиш, шунингдек, вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок

этишга жалб қилиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 191-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилган.

Жумладан, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга ҳилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан, ана шундай ўйинлар учун қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Интернет тармоғидаги қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинлардан ҳеч ким ютмаган ва унинг имкони ҳам йўқ. Сабаби ушбу дастурнинг яратган шахслар сунъий интеллект ва кучли психологлар имкониятларидан самарали фойдаланган. Афсуски, қимор ўйинларида ютқазган ва қарзга ботган ёшлар пул топиш учун жиноят йўлига кириш, ҳатто ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари тобора кўпайиб бораётганлиги ачинарли ҳолатдир.

Яна бир масала, мафкуравий зиддиятлар авж олган бугунги глобаллашув даврида интернет ва ижтимоий тармоқларда ёшлар онгини заҳарлашга қаратилган таҳдидлар тобора кўпроқ намоён бўлиб бормоқда.

Афсуски, бунинг натижасида айрим ёшлар орасида оммавий маданиятга эргашиш, ахлоқсизлик, жиноятчилик йўлига кириш, гиёҳвандлик, спиртли ичимликларга ружу қўйиш, миллий ва диний қадриятларга ҳурматсизлик, экстремизм ва радикализм каби ижтимоий иллатларга берилиш ҳолатлари кузатишмоқда.

Афсуски, айрим тоифадаги ёшлар турли ахборот воситалари орқали экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолмоқда. Жумладан, “statista.com” порталининг маълумотларига кўра, Facebook ижтимоий тармоғининг ўзида 2023 йил давомида 36 300 та экстремистик ва бузғунчиликка даъват қилишга йўналтирилган аккаунтлар аниқланган ва фаолияти тугатилган.

Нуфузли “Tech Against Terrorism” портали (*Интернетда террористик фаолиятни тўхтатиш портали*) 2022 йилги ҳисоботида келтиришича, “ИШИД”, “Ал-Қоида” каби террорчи ташкилотлар ҳамда бошқа ашаддий миллатчи-ирқчи экстремистик гуруҳларнинг ғояларини тарқатувчи 198 та сайт борлиги аниқланган. Ушбу сайтларга ойига тахминан 1.5 млн киши кирган ва ундан маълумот ўрганган.

Сайтлардаги 91 фоиз маълумот террорчилик фаолиятини оқлаш, зўравонлик ишлатишга тарғиб қилиш, одамга тажовуз қилишга қаратилган даъватлар борлиги кузатишмоқда. Шунингдек, “Tech Against Terrorism” портали [8] маълумотларида экстремистик ташкилотлар томонидан ёшлар орасида ёт ғояларни тарқатиш мақсадида сунъий интеллектдан ҳам фойдаланилган.

2023 йил давомида “ChatGPT” ва “Midjourney.AI” ёрдамида 5000 дан ортиқ материаллар тайёрланган ҳамда ижтимоий тармоқ ва бошқа платформалар орқали тарқатилган. Бу материаллар аксари уруш ва бузғунчилик ҳолатларини оқлашга қаратилган.

Статистик маълумотларга кўра, диний ақидапарастлик йўналишида жорий йил 9 ой якуни бўйича 1 553 та жиноий ҳолатлар қайд этилиб, шулардан 672 таси ижтимоий тармоқларда ақидапарастлик материалларни тарқатишдан иборат.

Шунингдек мазкур йўналишда жами 6 544 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, шулардан 485 та ноқонуний хужра ва 2 685 та диний мазмундаги материалларни тарқатиш ҳолатлари аниқланган.

Мазкур ҳолатларни олдини олиш мақсадида, биринчи навбатда ёшлар орасида интернетда кузатилган маълумотларга нисбатан танқидий фикрни шакллантириш, замонавий технологиялардан фойдаланиш маданиятини ошириш, яшаётган юртига ҳурмат ва эртанги кунига нисбатан ишонч ва умид ҳис-туйғулари пайдо қилиш лозим.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, турли хил нашидалар ва бошқа таъқиқланган диний мазмундаги маърузаларни нафақат тарқатганлик, балки “лайк” босганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик кўзда тутилганлиги бугунги кунда шиддат билан ривожланиб бораётган радикализмга қарши кураш чора-тадбирларнинг айна кўринишидир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклиф ҳамда тавсияларни беришимиз мумкин:

1. Барчамиз мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлашимиз, шу азиз юрт, барчамиз учун муқаддас бўлган *Ватан* учун ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўйишимиз керак.

Талаба-ёшлар эл-юрт манфаати йўлида бир тан-у бир жон бўлиб бирлашиши, юксак марраларни забт этишда мамлакатимиз раҳбарига *ўта мустаҳкам ва энг ишончли қанот бўлиши, қалб даъватига айланиши лозим.*

2. Талабалар Конституция ва қонунларни яхши билиши, ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш билан бирга, энг аввало, *бурч ва мажбуриятларини тўлиқ бажаришига одатланиши лозим.* Бу борада тенгдошларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда кўмаклашиши, барча ижтимоий соҳаларни ривожлантириш йўналишида энг муҳим ҳолатлар билан чиқиши, уларни амалга оширишда ташаббус кўрсатиши зарур.

3. Талаба-ёшлар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш ҳамда улар ўртасида жиноятчиликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида барча олий таълим муассасаларида “Ҳуқуқий маданият” номли ўқув курсларини ташкил этиш лозим.

Масалан, бундай амалиёт бугунги кунда АҚШ, Германия, Канада, Австралия ва Швеция мамлакатларида самарали қўлланилиб келинмоқда.

4. Талаба-ёшлар томонидан жиноятлар содир этилишини камайтириш ва уларни барвақт олдини олиш борасида ОАВлари орқали намойиш этиш учун таъсирчан тарбиявий видеороликларни яратиш.

5. Талабалар ўз истейдодини тўлиқ намоён эта олмаётган тенгдошларининг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун дўстона кўмак бера оладиган етакчи сифатида ҳаракат қилиши лозим.

Тенгдошларига қийин ҳаётий вазиятларда турли ижтимоий ёрдам кўрсатадиган, руҳий, тиббий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларда маслаҳат берадиган, хорижий тилларини ўрганишда, замонавий ахборот технологияларини ўзлаштириш ва бўш вақтини мазмунли ўтказишини ташкил этишда, касб-ҳунар танлаш ва ишга жойлашишда ёрдам берадиган *ёшлар ижтимоий хизматлари тизимини ҳар томонлама ривожлантиришда фаол бўлиши* мақсадга мувофиқдир.

6. Атрофдаги *воқеа-ҳодисаларга теран тафаккур ва вазминлик билан муносабатда бўлиш*, уларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қила олиш кундалик вазифамизга айланиши керак. Талаба-ёшлар Янги Ўзбекистоннинг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳар қандай ахборот хуружларига қарши ўзининг муносиб сўзини айта олиши, гиёҳвандлик, одам савдоси, жиноятчилик ва терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз курашиши, уларнинг олдини олиш борасида аниқ йўналтирилган таъсир чораларини амалга ошириши зарур.

7. Талаба-ёшлар Янги Ўзбекистонда яшаётган миллионлаб тенгдошларини соғлом ва эркин фикрлаш, янгидан-янги ташаббуслар билан чиқиш, маънавий-маърифий, маданий, ижтимоий-ҳуқуқий, ҳарбий ватанпарварлик, спорт-соғломлаштириш каби соҳаларда ижодий фаол бўлишга, шунингдек, бу борада *энг мақбул лойиҳаларни ишлаб чиқиб ҳаётга татбиқ этишга* даъват қилмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. [https://nrm.uz/contentf?doc=612868_o%E2%80%9898zbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirzиеevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_\(2020_yil_24_yanvar\)](https://nrm.uz/contentf?doc=612868_o%E2%80%9898zbekiston_respublikasi_prezidenti_shavkat_mirzиеevning_oliy_majlisga_murojaatnomasi_(2020_yil_24_yanvar)).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги

ПФ-60-сонли Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030 стратегияси” тўғрисидаги ПФ-158сон Фармони. www.uza.uz.

4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-модда.

5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 34-сон, 872-модда.

6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 976-модда.

7. <https://oyina.uz/kiril/posts/7002>

8. <https://president.uz/uz/lists/view/6753>

9. <https://president.uz/uz/lists/view/6967>

10. <https://www.milliygvardiya.uz/uz/news/alon-028>

11. <https://president.uz/uz/1914>

12. Ички ишлар вазирлиги жиноий-ҳуқуқий статистика маркази маълумотлари, 2024 (10)

13. <https://techagainstterrorism.org/events/webinar-series-generative-ai-counterterrorism-challenge-and-opportunity>